

ТОЛГЮЛАЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 97 (6839)
1997 йил 13 декабрь шанба

Сотувда эркин
нархда

1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

МЕНИНГ бувижоним жуда меҳрибон, доно аёл. Улар доимо ҳамжиҳатлигу, иноқлик, кут-барака омад келтиради, дейдилар ва бизни ҳамиша тутув яшашга чақирадилар.

Айтишларича, азал-азалдан қайсики мамлакатнинг яшаш тарзини билишмоқчи бўлса, уша ердаги бир оиласининг ту-

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шакланади. Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — она, ахли аёлнинг покизалиги, оқиллиги меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл — автори гўдаклигидан шакланар экан, миллий дунёқараши ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Ислом КАРИМОВ



ҲАЁТ МАКТАБИ

риш-турмушини ўрганишаркан ва уша ўрганиш бутун мамлакат миқёсига кифоя қиларкан.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан сунг, ҳар бир оиласининг турмушдаражасини кутариш масаласи қўриб чиқилди. Оила жамиятнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам эътиборнинг кучайғанлиги табиийдир. Оиласада тинчлик, хотиржамлик ва аҳиллик бўлар экан, жамиятда ҳам ана шундай фарон турмуш давом этаверади.

Биз оиласада бирор муаммо туғилиб қолса, ҳаммамиз бир жойга йигилиб маслаҳатлашиб ҳал қиласиз. Қушниларимиз билан ҳам жуда аҳилмиз. Онажонимнинг касблари тикувчилик бўлгани учун ўйимизга маҳалламизнинг асллари тез-тез келиб туришади. Дадам доимо қишлоғимизда бўладиган туй-маърака ва бошқа маросимларга қатнашиб қишлоқдошларимизга елка-дош буладилар ва бизга ҳам қушниларнинг шодлиги-ю гамига шерик булишни, бемор, бечораларнинг аҳволидан тез-тез хабар олиб туришни уқдирадилар. Қадимда бир донишманд «тўрт нарса оғир фалокатдур, биринчиси ёмон қушни, иккинчиси ноҳия оила, учинчиси тарбиясиз бола, туртничиси муҳтоҷлик, деган экан. Дадам бу гапни тез-тез такрорлаб турадилар. Ҳақиқатан ҳам юқорида айтгани-

миздек жамият оиласдан бошланар экан, ҳамма нарса фаронлик, болаларнинг гўзал ахлоқ эгаси бўлиб камол топишлари ва оиласагиларнинг бир-бирларига бўлган чукӯр дўстлик ва биродарлик муносабатларини бутун жамият нуқтаи назаридан туриб баҳолаш мумкин.

Мана янги йил ҳам яқинлашмоқда.

Бу янги 1998 — Оила йилидан кутаётган умидларимиз ниҳоятда ёруғ. Чунки ҳар бир

оиласа булган эътибор бу миллатимизга, жамиятимизга ва келажагимизга бўлган эътибордир. Оила ҳаёт мактабидир дейишиган. Яқинда биз «Ватан оиласдан бошланади» деган мавзуда иншо ёзар эмишмиз. Унда оиласининг бевосита Ватанга даҳлдорлиги түгрисида алоҳида тўхталаман. Шу ҳақда шеър ҳам ёздим:

Ватан, останонгга қўйдим
бошимни,
Ҳар қарич ерингта

кўнглим бойланган.
Онамсан, отамсан,
қариндошимсан
Жонимда жон каби
мехринг жойланган.
Ватан, оиласада янграган
куйсан,
Куйласам ҳар лаҳза дилим
яйрайди,
Мунаввар саҳарлар
юраккинамда
Бахт деган энг гузал қушча
сайрайди.
Феруза АШУРОВА,
Навоий вилояти,
Кизилтепа туманидаги
Ойбек номли мактаб
ўкувчиси



да Президентимиз И. А. Каримов 1998 йилни Оила йили деб ёзлон қилди.

Ўзбек оиласи узининг урфодатлари, удумлари, қадрият даржасига кутарилган анъаналяри-ю бой маданияти билан кузкозланса арзиди. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқ ва одобона сути билан кириб бола кунигла гунчо очади.

Маълумотларга қараганда, республикала ҳозирги кунда 3, 8 млн. оила мавжуд бўлиб, шундан 58. 7 фоизи беш ва ундан кўп болали серфарзанд оиласи-

АЯЖОНЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

ларни ташкил қилар экан.

Шунинг узи давлатимиз зими масига оиласани ижтимоий муҳофазалари, оила аъзолари бўлмиш болаларнинг жамиятда узурнини эгаллашида кент имкониятлар яратилиши кераклигini тақозо этади.

Оиласадаги маънавий ва руҳий муҳит албатта болалинг камолотига таъсир қиласи. Ана шундай оиласада тарбия топган Дијором Абдусаматова мактабда ўқиб юрганида ёнасининг энг

яқин ёрдамчиси, ҳозир эса Тошкент Шарқшунослик олийгоҳининг хитой тили бўлими аспиранти.

Оиласада асл учун ҳам ўқиб, ҳам ишлашнинг узига яраша қийинчилклари бор, албатта, Қарс иккى қўлдан чиқади, дейдилар. Ҳалол оиласада тарбия олган келин — Дијором қайнона учун киз бўлиб қолди.

Дијором опангизнинг иккифарзанди Доно ва Дониёрхужалар ҳам она изидан боринимок-

да. Оиласадаги аҳиллик, тутувликни бунёд этишда бор меҳрларини аямайдиган аяжонларимиз омон бўлсин.

**Дијором
ОТАМУХАМЕДОВА,
Тошкентдаги 197-
мактабининг хотин-
қизлар клуби бошлиғи**

Суратда Дијором Абдуса-
матова.

**Р. Альбеков суратга
олган**



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан ўтказилган мажлис



Конституциямиз беш йиллиги тантанаси кунларида Андикон, Фаргона, Наманган вилоятининг аълочи ўқувчилари Тошкентга келишди. Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Узбекистон Маънавият ва маърифат маркази, Республика «Улугбек»номли истеъодли ёшларни қўллаш жамгармаси ташкил этган бу тадбирда ҳаяжонли учрашувлар, хотираада узоқ сақланадиган сайру саёҳатлар уюштирилди. Қўйида аълочиларниң сўзларини эшитасиз.

ТАРИХ — БЮОК МУРАББИЙ

Поездимиз Тошкент томон силжир экан, қалбимда кучли бир ҳаяжон бор эди. Бунинг сабаби кундан-кунга ўз гузаллигини куз-куз қилаётган мустақил юртим пойтахтининг бутунги жамолини ўз кузим билан кўриш баҳтига мусассар бўлганим бўлса керак.

Билмадим, тарихга қизиқсанум учунми, Тошкентдаги тарихий обидалар, музейлар, истироҳат боғлари жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Темурийлар тарихи музеи»ни кўрганимда ҳаяжонимни яшиrolмадим. Худди ўша даврга тушиб қолгандек, бобомизнинг қувончу ташвишларига шерик бўлгандек хис қилдим ўзимни. Музейда Темурийлар даври ва унинг фаолиятига доир кўплаб тарихий ёдгорликлар, хужжатлар, суратлар билан танишдик. Соҳибқироннинг бегубор болалиги, машақатли саркардлик фаолияти кўз олдимда жонланди.

Шу куни қадриятларимиз қадрига стиш, авлодлар анъанасини давом эттириш бу бизнинг бурчимиз эканлигини дилдан англадим.

Маргуба АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти
Учкўрғон туманидаги
Д. Раҳимов номли 1-
гимназиянинг 11-синф
ўқувччиси

АНИҚ ИСБОТЛАР САРИ

«Бувим профессор булласан дедиларми, буламан». Эсладингизми? Ҳа, балли. «Совчи» кинофильмидан. Шунга бироз ўзгаришиш киритмоқчи ман. «Профессор буламан, дес-

димми, буламан». Ҳозирча, аниқ исботлар сари олга бораяпман. Жасоратим, фаросатим туфайли, кўпгина муваффақиятларга эришганман. Туман, вилоят, ҳатто Республика олимпиадалари голибиман. Хуллас, математика олимпиадалари менсиз ўтмайди. Жуда мақтанчоқ бола экан, деб ўйлајпиз-а? Йўқ, аслида жуда камтар ва кам гап боламан.

Ҳа, математика қизиқарли ва мураккаб фан. Озгина ноўрин рақам қўйдингми, бас,

АЪЛОЧИЛАР ПОЙТАХТГА КЕЛДИ



хатолар ичига гарқ булласан. Бунинг учун ҳам бу фан аниқ исботлар талааб қиласди.

Инглиз тилини ҳам ўзбек тилидан ёмон билмайман. Ҳозирча ГУД БАЙ!

Алишер ЭРГАШЕВ,
Андижон вилояти
Марҳамат туманидаги
3-физика-математика
лицейининг ўқувччиси



Халқ таълими бошқармалари бошликлари дикқатига!

ОБУНА КЎЗГУСИ

1997 йил 5- декабргача бўлган маълумот

	Якка тартибдагилар	Ташкилотлар учун
Қорақалпогистон	730	60
Андижон	1834	131
Бухоро	1519	106
Жиззах	2816	18
Қашқадарё	509	41
Навоий	576	137
Наманган	3269	125
Самарқанд	2130	51
Сурхондарё	1295	9
Сирдарё	838	109
Тошкент вилояти	2351	123
Фаргона	9687	168
Хоразм	656	20
Тошкент шаҳри	1091	136
Жами	29301	1234

Тахририятдан:

Бизда бир савол туғилди. Фаргона вилоятида обуна 9855 тага стибди-ю нега энди 19077 нафар ўқувчиси бўлган Қашқадарёда 550 обуначи?.. Назаримизда Навоий, Хоразм вилоятларининг болалари ҳам газетхон эмасга ухшайдилар.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

лишимиз шарт. Айтмоқчи, бизнинг 1-линейимизда ҳар йилгидек «Тонг юлдузи»га кўплаб ўқувчилар обуна булишди. Мен ўзим унинг ҳар бир сонини кутаман. Тендошларимни ҳам ўз газеталарининг доимий ўқувчиси булишга чақираман.

Умиджон ТЎХТАШЕВ,
Избоскан туманидаги
1-линейининг 10-синф
ўқувччиси

БИЗДАН ФАҚАТ УҚИШ

Махсус иқтисодий-юридик лицейи мустақиллигимизни-



МАТЕМАТИКАДА ҲАМ ФАНТАЗИЯ КЕРАК

Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний баланд бир тоқقا чиқиб, Ер куррасининг ҳажмини математик жиҳатдан ҳисоблаб чиққанди. Аммо Беруний замонида аҳвол бошқача эди. «Ер шар шаклида ва доимий ҳаракатда» де гувчилар турган гапки ўтда кўйдирилган. Ватанидан сургун қилинганди. Ана шундай шароитда ерни шар шаклида деган, унинг ҳажмини ўлчаган, ўша замонда ҳеч кимниг ети ўхлаб тушига кирмаган Америка қитъасини бор деб таҳмин қилган одам, албатта, қудратли фантазияга ва жасоратга эта бўлган. Колумбдан илгари Беруний таҳмин қилган ўша Америкада бутунги кунда мустақил Узбекистоннинг иқтидорли фарзандлари таълим олмоқдалар. Мен ҳам математикага жуда қизиқаман. Бу фанга қалбимда меҳр ўйгота олган математика ўқитувчимиз Ҳафиза опа Усмоновадан чексиз миннатдорман. Улар бизга «математикада ҳам фантазия керак» деб таъкидлайдилар.

Давлатой МҮМИНОВА,
Андижон шаҳар 3-касб-хунар мактабининг III-босқич 6-гурӯх толибаси

«ПАРВОНА»ДА ПАРВОНАМИЗ

Бизнинг лицей-интернатимиз вилоятда, балки Республикада яхши танилган. Бунигасосий сабаби шарт-шароитларининг барчаси етарли булгани бўлса керак. Лицейни битирган 95 фоиз ўқувчилар ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларига кириб ўқимоқдалар.

Уқув даргоҳида «Парвона» ёшлар клуби иш олиб боради. Унда тўгараклар мавжуд. Уқувчиларнинг асосий вақтлари ана шу «Парвона»да ўтади.

Вилоят иқтидорли ўқувчиларни йигиб, Тошкентнинг ажойиб жойларини томоша қилдириб, бизга гўзаллик, шодлик баҳш эттани инсонлардан миннатдормиз.

Сайёра АБДУАМИНОВА,
Музаффар
ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган вилояти
Саноат технология
институти қошидаги
лицей-интернатининг 11-
«Б», «В» синф ўқувчилари

Суратларда: Вилоятдан Тошкентта келган аълочи ва иқтидорли ўқувчилар.

**Саҳифани Феруза
ОДИЛОВА** тайёрлади.
Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ

«ПАТЕНТ»

Болалар, ёдингизда бўлса, утган сабоқларимиздан бирида Адҳамжоннинг тогаси оғзи қулоғида йўларига келгани ва лицензия олганини айтиб суюнган эди.

Уша куни қизиқ бўлди. Дадаси ишдан қайтгач, Адҳамжоннинг тогаси лицензия олганини айтганди, дадаси куиди да, «Йўқ, лицензиямас, патент олган булиши керак» деди.

Адҳамжон тушунолмай қолди. Ахир тогаси «Лицензия» — «хўкуқ, эркинлик» дегани деб тушунтирган эди-ку?!

— Тушпа-туғри! — деди дадаси ва қўшиб қўйди. — Лицензия давлат томонидан берилган руҳсат, яъни эркинлик дегани. «Патент» эса ана шу руҳсат ва хукукни тасдиқловчи «гувоҳнома» деган маънени англатади. Демак, тогаси хусусий тарзда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бўлса, унинг ана шу иш билан шугулланишига руҳсат ёрувчи руҳсатнома — ПАТЕ-

НТ дейилади. Тушундингми?

— Тушундим, — деди Адҳамжон.

Ха, дарвоҷе, дадаси яна бир муҳим нарсани ҳам айтганди. Сал бўлмаса, унтиб қуяезибди. «ПАТЕНТ» дегани лотинча сўз бўлиб, «гувоҳнома», «ёрлиқ» деган маъноларни билдишаркан.

«А» ДАН «Я» ГАЧА...**«ПРЕЙСКУРАНТ» НИ БИЛАСИЗМИ?**

Шаҳноза онаси билан катта гастрономга — озиқ-овқат дўкунига борди. Гушт, гуруч, сариси харид қилди. Онаси «нон ҳам олаволақолай» деб қўшни булимга ўтиб кетаркан, Шаҳнозага турхалтани тутказиб, шу ердан қимирламай туришни тайинлади.

Онаси ҳадеганда қайтавермади. Шаҳноза зериқди. Сумка, халта кўтарган амакилару холаларга қараб туравериш ҳам жо-

нига тегди. Нима қилишни билмай ўёқ-буёққа аланглаб турганди, кузи дэвордаги катта шиша тахтага тушшиб қолди-ю, суюниб кетди. Ўнинг тепасига йирик-йирик ҳарфларда «ПРЕЙСКУРАНТ» деб ёзиз қўйилган экан. Вақтини утказишга машгулот топилганидан қувониб, аста ўқий бошлади. Эҳ-хе, у ерга

Иқтисодиёт алифбоси

деярли ҳамма маҳсулотларниң номлари ёзиз қўйилган экан. «Сут», «нон», «гушт», «балиқ», «гуруч», «ёғ»... Ҳаммаси бор экан.

«Енидаги рақамлар уларниң нархи бўлса керак? — уйлади Шаҳноза уларга куз югуртириб.

Онаси қайтгач, уша тахтани кўрсатиб, «Прейскурант» дегани сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати экан-а?» — деганди, онаси хурсанд бўлиб кетди. «Ўзимнинг она қизим, доно қизим» деб мактади. Кейин, «прейскурант» ҳақиқа-

тан ҳам товарлар ва маҳсулотларниң, кўрсатиладиган хизматларниң турларига, гурухларига қараб тизимлаштирилган нархи (тарифи) эканларгин тушунтиаркан, охирида бу суз асли немисча «прайс» — «нарх» ва

французча «курант» — «жорий қилинган» дегани булиб, иккени қўшилиб, «прейскурант», яъни «жорий қилинган нарх» деган маънени англатади, деб кўшиб қўйди...

Эркин УСМОНОВ

**«Ойнаи жаҳон» — болаларга**

Азиз ўқувчилар! Мустақил Республика миражида меҳр-оқибат билан кириб келган 1997 йил ҳам тугаб боряпти.

У тарихга «Инсон маңбаатлари йили» бўлиб ўзида унтилмас из қолдиди. Йил давомида кўплаб хайрлар ишлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиётининг мураккаб жараёни бўлган ўтиши даврида қанчадан-қанча кам таъминланган оиласларга, нигонларга, етимесирларга саҳоватпеша ҳомийлар ёрдам қўлини чўзди. Ҳалқимиздаги «... бир тишлам нон билан тўйдирлади» деган иборага амал қўлган ҳимматли кишилар, почор биродарларини эсдан чиқармадилар. Уларга мурувват қўлини чўзид, савобли ишларга дахлор бўлдилар.

Президентимиз И. А. Каримовнинг тақлифи билан 1998 йил «Оила йили» бўладиган бўлди. Жамиятимизнинг кичик муруввати бўлган оила мустаҳкам бўлса, юртимиз озод ва хурдиёризиз севими ўзбекистонимиз янада мустаҳкам бўлади.

Шу туфайли ўзбекистон телевидениесининг ижодкорлари ушбу йил муносабати билан «Оила йили» кўрсатувлар тадбирини ишлаб чиқди.

Биргина «Болалар» бош мұхарририяти ушбу мавзу юзасидан қатор туркум кўрсатувларни режалаштиряпти.

Улардан «Фарзанд—умид юлдузи» кўрсатувида миллий қадрият-

ДУШАНБА, 15 декабрь.

Ўз. ТВ — I дастур.

18.10 «УЗ АРИЗАМГА БИНОАН» мультфильм.

20.10 Оқшом эртаклари

Ўз. ТВ — 2 дастур

18.20 «Ёрилтош» мульттүпнама.

18.35 «Табиат дунёси»

Ўз. ТВ-III

9.35 Болалар учун «Омад юлдузи»

Ўз. ТВ-IV

18.45 Мульткарусель

19.05 «Умид».

СЕШАНБА, 16 декабрь

Ўз. ТВ — I дастур

10.05 Болалар учун «Миллат чечаклари»

10.20 «Фил полвон оғриб қолди» мультфильм.

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

11.00 Инглиз тили

11.30 Адабиёт.

18.10 «Фарзанд—умид юлдузи»

18.30 Бармоқлар сехри».

20.10 Оқшом эртаклари

Ўз. ТВ — 2 дастур

18.20 «Ёрилтош» мульттүпнама.

Ўз. ТВ — IV дастур

18.50 Мульткарусель

19.55 Сен ҳақингда ва сен учун.

ЧОРШАНБА, 17 декабрь

Ўз. ТВ — 1 дастур

10.30 Умумий биология.

11.00 Янги алифбони урганимиз.

18.10 «Бугдойзордаги учча» мультфильм.

20.10 Оқшом эртаклари

«БИЗ ҲАМ БИРГАЛИҚДА КҮЙЛАЙМИЗ»

Мен тентдошларим бўлган болалар ижросидаги қўшиклиарни севиб тинглайман. Менга айниқса, «Булбулча», «Чиннингул» ансамблари ижросидаги қўшиклиар еқади. Ҳар сафар «Биргалиқда кўйлаймиз» курсатувини интиқлик билан кутгаман. Унда ургатиладиган янги қўшиклиарни синглым иккаламиз ҳам ёд оламиз ва улар билан биргалиқда кўйлаймиз.

Мен курсатув ижодкорларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Улардан шуни илтинос қиламанки, телевидение орқали бизга тез-тез янги яратилган қувноқ ва шўх қўшиклиарни ургатиб турсалар...

**Азиза АННАЕВА,
Самарқанд вилояти
Нуробод тумани 29-
мактаб ўқувчиси**

Ўз. ТВ-2 дастур
18.20 «Ёрилтош» мульттүпнама.

Ўз. ТВ — 4 дастур

18.45 Мульткарусель.

19.40 Дунё ва болалар.

ПАЙШАНБА, 18 декабрь

9.40 Болалар учун «Мактублар-қабутарлар»

10.30 «Алифоб сабоқлари»

11.35 «ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

13.45 «АЛДАРКУСА» мультфильм.

14.05 «Сайқал» видеоканал.

18.10 «Қуещининг куз ёшлияри»

20.10 «Оқшом эртаклари»

Ўз. ТВ — 2 дастур

9.00 Мультипанорама.

9.45 «Синфдош»

18.15 «Жажжи давра»

21.30 «Одоброна

Ўз. ТВ — III

18.45 Мульткарусель

20.05 Мультконцерт.

ЖУМА, 19 декабрь

Ўз. ТВ — I дастур

10.30 Физика.

**КЎРСАТУВ ЭГАСИНИ ТОПДИ**

Мен оиласда битта ўғил бўлганлигим учун, доимо сингилларимга овқат вақтида «тур, қошиқ олиб кел, пиёлани ювиб бер», — деб ўзим қилишим мумкин бўлса уларга иш буюардим.

9. декабрь куни телевизорда «Доно бобо даврасида» кўрсатувини сингилларим билан бирга томоша қилдик.

Кўрсатувдаги дангаса болаларнинг бир-бирларига сансалорлик қилиб охирида қаймоқдан қуруқ қолганлиги ҳақидаги ҳангома ҳаммизга ёқди. Менга таъсир қилган жойлари ҳам бўлди.

Буни кўрсатувни бирга томоша қилган сингилларим ҳам сезиб, менга маъноли қарашди. Кўрсатув эгасини топди. Шу кундан сўнг сездимки дангасалик, кишини кулгили аҳволга солиб қўйишини билиб, бу одатимни ташлашга аҳд қилдим.

Ойбек БЕГИЕВ,

Тошкент шаҳри Сирғали

туман 268-мактаб

11.00 Немис тили

18.10 «Қизча ва қуёнчалар» мультфильм.

18.20 Болалар учун ҳикматлар хазинаси.

20.10 Оқшом эртаклари

Ўз. ТВ-2 дастур

9.00 «Жажжи давра»

11.10 Одоброна.

18.15 Бутуннинг боласи.

18.40 «Камолат»

Ўз. ТВ — 4 д

